



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (13.373)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ – БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 24 февраль куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти улкан. Бугунги кунда мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизи, нефтнинг қарийб 78 фоизи, газ конденсатининг 80 фоизи, галланнинг 13 фоиздан ортиғи, пахтанинг 14 фоиздан зиёди ушбу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятда саноат изчил ривожланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулотда бу соҳанинг улуши 38 фоизни ташкил этаётгани ҳам шундан dalolat беради. “Шўртан нефть-газ”, “Муборак нефть-газ” корхоналари, “Шўртан газ-кимё” мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси, “Хисор нефть-газ” каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз саноатда салмоқли ўрин тутади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,6 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд аҳолининг қарийб 80 фоизи шу тармоқда меҳнат қилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигида мўл ҳосил етиштирилмоқда, таркибий ўзгаришлар давом эттирилмоқда. Сўнгги беш йилда 3 минг 200 гектар пахта майдони қисқартирилиб, картошка, мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилган. Охириги уч йилда фермер ҳўжалиқларининг 22 фоиздан зиёди кўп тармоқли ҳўжаликка айлантирилган.

Барча соҳада амалга оширилаётган ана шундай ислохотлар натижасида кейинги беш йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2 баробар ошган, ҳудудий экспорт ҳажми 100 миллион долларга етган ва 2011 йилга нисбатан 2,5 баробар кўпайган. Бундай ўсиш суръатлари одамларнинг турмуш шароитида, вилоят шаҳар ва қишлоқлари қиёфасида намоён бўлмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бу икки қадимий шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартирди. Қарши шаҳрининг ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга, Шаҳрисабз шаҳрининг ҳудуди 3 минг 300 гектардан 4 минг 900 гектарга кенгайтирилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи нишонланган 2016 йилда Қашқадарё устидаги қадимий Амир Темур кўприги реконструкция қилиниб, дарёнинг икки қирғоғида Қарши аҳли ва меҳмонлар дам оладиган сўлим масканлар барпо этилди. Тошкент – Қарши йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи

“Afrosiyob” тезюрар электр поезди қатнови йўлга қўйилди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, мамлакатимизнинг барча ҳудуди қатори Қашқадарё вилояти ривожини ҳам янги босқичга кўтариш бўйича улкан режа ва мақсадларни баён этган эди. Президентимиз Қашқадарёга ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қарши туманида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни кўздан кечирди.

“Нишон кўзгу” кўп тармоқли фермер ҳўжалиги томонидан Қарши шаҳрида автоматлаштирилган қушхона, гўшти сақлаш ва қadoқлаш комплекси ташкил этилмоқда. Бунинг учун хориждан замонавий ускуналар олиб келинган. Ушбу лойиҳа иқтисодий самарадорлик билан бирга, улкан ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Замонавий қушхона ва музлаткич озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллиги ҳамда хавфсизлигини таъминлайди. 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Давлатимиз раҳбари бундай қушхоналарни барча ҳудудда ташкил этиш озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Яккабоғ туманида ташкил этилаётган “Қорабайр” отчилик мажмуаси” ҳўжалиги наслчиликни сақлаш ва ривожлантириш, қорабайр зотли отларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Мажмуада 200 тагача йилки орқилиб, ички ва ташқи бозорда сотилади. Қирқдан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари Қосон туманида барпо этиладиган чорвачилик комплекси лойиҳасини кўздан кечирди.

Қашқадарё вилоятида қишлоқ ҳўжалиги изчил ривожланиб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларда юқори натижаларга эришилмоқда. Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ташкил этилаётгани, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилгани халқимиз фаровонлигини янада ошириш имконини бермоқда.

Икки минг бош қорамол боқишга мўлжалланган замонавий типдаги чорвачилик комплекси аҳолини гўшт ва сут билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Мажмуа қурилиши учун 12 гектар, чорва молларига озуқабоп экинлар етиштириш учун 750 гектар ер майдони ажратилади. Бу ерда йилига 4 минг 280 тонна сут ва 210 тонна гўшт етиштириш, 140 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Умумий қиймати 14 миллиард

сўм бўлган лойиҳани келгуси йилнинг биринчи чора-гида ишга тушириш режалаштирилган.

Президентимиз чорвачилик комплексига хориждан наслдор қорамоллар олиб келиш, уларни зарур технологиялар асосида парваришлаш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Мутахассислар зарур тавсиялар берди.

Нишон туманида Вьетнам технологияси асосида балиқ етиштиришга ихтисослаштирилган агрофирма ташкил этилмоқда. Агрофирма вилоятдаги балиқчилик ҳўжалиқларига ўз фаолиятини самарали ташкил этиш учун машина-механизм хизматлари, балиқни увилдириклари, омухта ем етказиб беради. Етиштирилган балиқни сотиш ёки қайта ишлашни йўлга қўяди.

Агрофирмада балиқ увилдириклари етиштирилиб, сув омборига ўтказилади. Бу ерда балиқ чавақлари етиштирувчи инкубацион цех, 600 тонналик музлаткич, балиқ маҳсулотларини қайта ишловчи корхона, 800 тонна маҳсул омухта ем ишлаб чиқарувчи цех ташкил этилиши режалаштирилган. Йилига 500 тонна балиқни қайта ишловчи агрофирмада 90 иш ўрни ташкил этилади.

Қашқадарёнинг сув ҳавзалари имкониятларидан самарали фойдаланиб, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш, балиқ истеъмолини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу халқимиз “луқмаи ҳалол” деб эъзозлайдиган балиқ гўштининг мўл-кўл бўлишини таъминлайди, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди.

Қамаши туманида 5 минг курка боқишга мўлжалланган мажмуа ташкил этилади. Голландиядан келтирилган маҳсулдор зот ва замонавий технологиялар асосида мажмуада йилига 20 минг курка жўжаси етиштирилиб, аҳолига етказиб берилади. Уни жорий йилнинг декабрь ойида ишга тушириш, 30 иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳа самарасида ҳар бир хонадонга 100 тадан курка жўжаси тарқатилиши оилалар даромадини оширишда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Қамаши туманида қуён етиштириш, қуён гўшти ва терисини қайта ишлашга ихтисослаштирилган ҳўжалик ташкил этилмоқда. “Қамаши момиқ қуёнлари” агрофирмаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳа самарасида 30 минг қуён етиштирилиб, йилига 120 тонна гўшт ва 40 минг дона тери тайёрланади. Ҳўжаликда 30 киши ишлайди. Бундан ташқари, қуёнлар 500 хонадонга тарқатилади. Аҳоли парҳез гўшт ва қўшимча даромад билан таъминланади.

(Давоми 2-бетда)

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Тошкент темир йўл вокзалида Жанубий ҳарбий маҳсус ҳарбий округида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган бир гуруҳ аскарларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Т.МАМАДИНОВ (ЎЗА) – балан сура

АСКАРЛАР КУТИБ ОЛИНДИ

Тадбир Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақруви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Қучлар резервида бўлаштиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари М.Умаров ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Қучларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани самарасида миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун фахр ва шон-

шараф ишига айланганини таъкидлади.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги Бойкўрган маҳалласида истиқомат қиладиган Чўлпоной Мелиқўзиева бугун ҳар қачонгидан хурсанд. Ўғли Аҳмаддон муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтагани учун ҳарбий қисм кўмондонлигининг тавсияномаси билан уйига қайтди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари, маҳалла фаоллари опанинг хонадонига бориб, халқимиз қорига ярайдиган, қатъий фуқаролик позициясига эга Ватан ҳимоячисини тарбиялагани

учун миннатдорлик билдирди.

– Армиядан ўғлим янада кучга тўлиб, ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиб қайтди, – дейди Чўлпоной опа. – Бу табиий. Негаки, бугун ҳарбий қисмларда фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан етук бўлиши учун барча шароит яратилган.

– Мен тенгқурларим қатори ўз конституциявий бурчимни адо этадими, – дейди ЎЗА муҳбирига А.Мелиқўзиев. – Аммо Ватанамиз олдидаги ҳақиқий хизмат энди бошланмоқда. Келгусида етук мутахассис бўлиб, юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишни ният қилганман.

З.ЖОНИБЕКОВ

“Ўзбекенгилсаноат” АЖ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти ҳамда мамлакатимизнинг қатор тикувчилик корхоналари вакилларида иборат Ўзбекистон делегацияси Парижда бўлиб ўтган “Premier Vision” ва “TexWorld” халқаро кўргазмаларида иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО КЎРGAЗМАЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Мазкур тадбирлардан кўзланган асосий мақсад 2018 йилда газлама ва трикотаж матолар рангларининг мажмуи, тузилиши ва услубларини белгилаш билан изоҳланади. Дунёнинг 50 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этган “Premier Vision” кўргазмасида Италия, Франция, Германия, Испания ва Туркия компанияларининг вакиллари модага доир асосий русум ва йўналишларни илгари сурдилар. Кўргазмада ранг-баранг либослар тикишга мўлжалланган турли андозалардаги материаллар намойиш этилди.

2018 йил учун тавсия этилган ҳар хил нақшинкор матолар орасида адрасда акс этган анъанавий ўзбекона жило бериш услубининг ҳам мавжудлиги “Premier Vision” кўргазмасининг асосий ўзига ҳослиги бўлди. Мутахассисларнинг фикр билдиришларича, нуфузи юқори либос намойишлари ва кўргазмаларда ўзбекистонлик чеварларнинг фаол иштирок этаётгани ҳамда республикада ўзбек маданияти, санъати ва миллий анъаналари асосидаги мода индустриясининг тобора ривожланиб бораётгани бунга қўмаклашди.

1997 йилдан буён анъанавий равишда ҳар йили ўтказиб келинадиган “TexWorld” Халқаро кўргазмаси Европа ва Осиё бозорлари учун мўлжалланган. Намойиш этилган мато-газламалар мажмуи замонавий тўқимачилик ва трикотаж саноатида материалларнинг сифати, бўйлиши ва сўнгги ишлов берилишига катта эътибор қаратилаётганини кўрсатди. Шу боисдан ҳам ушбу тадбир Ўзбекистон тўқимачилик бизнеси вакиллари раанглр мажмуини тўғри танлаш, сифатли бўйаш, матоларга кўркамлик бағишлаш билан боғлиқ масалаларни чуқур таҳлил этиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)



● Навойида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда партия электорати манфаатлари, тадбиркор ва фермерлар билан жойларда ўтказилган учрашувлар натижаларидан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодий ва либераллаштириш борасидаги вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Урганчда “Судьялар ва суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ ва юриш-туриш қоидалари – судлар фаолиятини такомиллаштириш, обрў-эътиборини ошириш, чинакам суд мустақиллигини таъминлашнинг ишончли гарови” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Марғилон темир йўл вокзалида мамлакатимиз Қуролли Қучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлардан бир гуруҳи тантанали кутиб олинди.

● Жиззах вилоятининг Фориш тумани ўлкашунослик музейида “Чавандозлик удумлари ва туризм” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилояти вакиллиги ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туроператорлар, маданият муассасалари ва меҳмонхоналар ходимлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, хорижлик меҳмонлар, журналистлар иштирок этди.



● Чилидаги куруқ ҳаво ҳамда кучли шамол натижасида жорий йил бошидан буён жиловлаб бўлмаётган ўрмон ёнғинлари тобора авжига чиқмоқда. Факат ўт ўчирувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ёнғиннинг ноёб ботаника боғини қамраб олишининг олди олинди.

● Таиландда хорижлик сайёҳлардан бири мавжуд қонунларга зид равишда чўмилиш ҳавзасида балиқларни озиқлантиргани учун йирик жаримага тортилиши ёки қамоқ жазосига ҳукм қилиниши кутилмоқда.

● ЮНИСЕФ Жанубий Судан, Нигерия, Сомали ва Яманда 1,4 миллион бола очликдан ҳалок бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Ташкилот экспертлари ҳулосасига кўра, Яманда тўйиб овқат емасликдан 462 минг, Нигерияда эса 450 минг бола азият чекмоқда. Сомалида қурғоқчилик туфайли 185 минг боланинг очликдан вафот этиш эҳтимоли бор. ЮНИСЕФ ижрочи директори Энтони Лайк фожианинг олдини олиш учун зудлик билан вазиятни ўнглаш чоратадбирларини кўриш зарурлигини таъкидламоқда.



Спорт янгиликлари

ЯНГИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Мамлакатимизнинг ўн бир карра чемпиони саналган "Пахтакор" айти кунларда жорий йилги мавсумга тайёргарлик кўришни давом эттирмоқда.

"Пахтакор" жамоаси ўтган йилнинг 20 декабридан бошлаб, 8 кун давомидида узлуксиз машғулот ўтказди. Иккинчи йилги эса 3-14 январь кунлари Тошкентда давом этиб, унда жамоа икки нозорат ўйинида майдонга тушди. "Кўкун-1912" жамоаси 2:1, "Обод" клуби 2:0 ҳисобида доғда қолдирилди.

Шундан сўнг 15-30 январь кунлари БААнинг Шаржа амирлигида учрашув ташкил этилди. Футболчиларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаб, ўйин амалиётини шакллантиришга асосий эътибор қаратилган йилги мобайнида "Пахтакор" хориж клубларига уч нозорат баҳсида майдонга тушди. Россиянинг "Краснодар" жамоасига 0:2 ҳисобида имконият бой берилган бўлса, Хитойнинг "Чанчун Ятай" клуби 4:1 ҳисобида доғда қолдирилди. Австриянинг "Ред Булл Зальцбург" жамоаси билан беллашувда дарвозаларга тўп киритилмади.

БААдан қайтиб келгач, жамоа 5 февраль куни яна хорижга йўл олди ва 20 февралгача Туркиянинг Анталия шаҳрида йилги ўтказди. Айти кунларда эса машғулотлар Тошкентда давом эттирилмоқда. 9 февралда Сербиянинг

"Раднички" жамоаси билан учрашув ўтказилди. Унда мураббийлар штаби асосан ёшлар таркибидеги ўйинчиларни синиб кўришди. Ўйин 1:1 ҳисобида нўҳосига етди. Анталияда жамоа Украинанинг "Сталь" (0:0), Россиянинг "Крилья Советов" (0:1) ва "Арсенал" жамоалари билан (0:0)га қарши нозорат беллашувлари ҳам ташкил этилди. 20 февралда Туркия йилги яқинида етиб, жамоа Тошкентга қайтиб келди. Муҳими, мавсумга тайёргарлик жараёни хориждаги икки йилги орқали янада маромига етказилди. Мураббийлар турли тактик услубларни синиб кўришди.

Март ойида старт оладиган мавсумга пухта ҳозирлик кўраётган "Пахтакор" ишқибозларни чиройли ўйинлар ва ишончли ғалабалар билан хурсанд этиш истагиди.

Юртимизнинг энг совриндор клуби ҳисобланган "Пахтакор" жамоаси жорий йилги мавсумдаги биринчи учрашувини 3 март куни Тошкентда "Қизилқум"га қарши ўтказди.

Беҳзод НАЗАРОВ,
"Пахтакор" футбол
клуби матбуот хизмати
ҳодими

АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни Миллий олимпия қўмитаси бош қотиби Ойбек Қосимов олиб борди. Унда 2013-2016 йиллар давомидида амалга оширилган ишлар юзасидан федерация раҳбариятининг ҳисоботи тингланди.

Маълумки, ўтган тўрт йил давомидида енгил атлетика бўйича мамлакатимиз спортчилари кўплаб халқаро турнирларда, Осиё

ўйинлари ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз шаърафини ҳимоя қилиб, совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди. Шу билан бирга юртимизда ҳам қатор ички ва халқаро мусобақалар юқори савияда ташкил қилиниб, янгидан-янги иқтидорлар сафи кенгайди. Қолаверса тўрт йилликнинг энг муҳим мусобақаси саналган олимпия ўйинлари

га ҳам лицензияларнинг кўпини айнан ушбу спорт вакиллари қўлга киритишди.

Эндиликда спортнинг ушбу турини мамлакатимизда ёшлар орасида янада оммавийлаштириш, терма жамоаларда селекция ишларини кучайтириш, мураббийлар малакасини ошириш ва албатта навбатдаги олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш федерациянинг устувор вазифалари сифатида белгиланди.

Шунингдек, конференцияда Енгил атлетика федерацияси раҳбариятининг янги таркиби сайланди.

Р.ҒУЛОМОВ,

Учтепа тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори

Баъзан турли маиший хизмат кўрсатиш масканлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги талабларига зид тарзда фаолият юритилаётганига дуч келамиз. Бундай ҳолатларни асосан ишлаб чиқариш корхоналарида учратишимиз мумкин. Ачинарлиси, улар давлатга ва ўзларига тегишли бўлган мол-мулкларига зарар етказишдан ташқари, ўз иш фаолияти билан инсонлар ҳаётига хавф солишади.

Қиш мавсумида иш жойларини ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида ҳар биримиз газ тармоғига ўрнатилган дудбуронларнинг созлиги, ўтказилган электр симларнинг қоида талабларига жавоб беришига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Н.МАҲКАМОВ,

ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, сержант

Кичкинтойларни "тилсиз ёв"дан асраш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса уларда бу борадаги билим ва кўникмаларни шакллантириш муҳим. Пойтахтнинг Учтепа тумани ИИБ ЁХБ ходимлари ҳам бу каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келади.

Мактабгача таълим муассасаларида ва ўқув юртиларида ўтказиладиган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида болаларга ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ўт ўчириш воситалари, замонавий ўт ўчириш анжомларини ишлатиш тартиблари тушунтирилиб кўрсатиб борилади. Бундан ташқари ёнғинлар қандай талафотларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирувчи кўргазмалар ҳам намойиш этилади. Ўт ўчирувчилар аввало кичкинтойларга содир бўлган ёнғинлар ҳақида гапириб, ёнғин юзага келганда биринчи навбатда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тушунчалар беришади. Ёнғ муҳими, улар гапларини амалий жиҳатдан кўрсатиб болаларда муайян ҳулосалар ҳосил қилишади.

Ф.НАРТАДЖИЕВ,
ИИБ ЁХБ инспектори

ШАҲАР БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Юртимизда Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда "Қамолот шахмат тахтаси" Республика турнири анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Турнирнинг Мирзо Улуғбек туман босқичи туман маданият ва аҳоли дам олиш марказида бўлиб ўтди. Унда турнирнинг ҳудудий босқичида ғолиб бўлган ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари қатнашди.

Спорт мусобақасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда шахмат спортини янада кенгроқ тарғиб қилиш, оммалаштириш, ҳаваскорлар ва ёш шахматчиларнинг малакаларини ошириш, ўқув-

чиларни ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборатдир.

Турли ёш тоифаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчи-ёшлар турнирнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. Ғолиблик шохсупасини эгаллаган ҳамда фаол иштирок этган ўқувчилар "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Ақл-идрок ўйини саналган шахмат санъатини маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида эъзозлаш, ўсиб келаётган ёш авлодининг мантикий тафаккур даражасини ўстириш, ёшларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида ўтказиб келинаётган "Қамолот" шахмат тахтаси" республика турнирининг Миробод туман босқичи ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Туман босқичида ҳар бир ёш тоифаси бўйича минтақавий босқич ҳамда ўрта-маҳсус таълим муассасаларида ғолиб бўлган ёшлар иштирок этишди.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад спортни кенг ва оммавий тарзда ривожлантиришдан иборат, — дейди "Қамолот" ЁИХ Миробод тумани Кенгаши бош мутахассиси, "Қамалак"

болалар ташкилоти раиси Жамшид Ғафуров. — Жорий йилда ҳам тумандаги барча умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида "Қамолот" шахмат тахтаси" мусобақасининг қуйи босқичлари юқори савияда ташкил этилди. Унда тумандаги 16 та умумтаълим мактаби, 12 та ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 1880 минг нафар

ўқувчилари турли ёш тоифаси бўйича қатнашди.

Қизгин беллашувлар тарзида кечган мусобақа ғолиблири ва фаол иштирокчилари турли ёш тоифалари бўйича Кенгашнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, ғолиб бўлган ёшлар Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Зарина РУСТАМОВА

ЎРТОҚЛИК БАҲСИ ҲОШТИРИЛАДИ

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг учинчи босқичи гуруҳ баҳсларида иштирок этадиган Ўзбекистон миллий терма жамоаси муҳим беллашувларга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Маълумки, жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг учинчи босқичи гуруҳ беллашувларининг иккинчи даврасини миллий терма жамоамиз 23 март куни сафарда Сурия терма жамоасига қарши ўйин билан бошлайди. 28 март кунги баҳсда эса Тошкентда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Қатар терма жамоаси қаршиликни енгитиш шарт. Шунингдек, 12 июнда Техрон шаҳрида миллий терма жамоамиз Эрон терма жамоаси меҳмони бўлади.

ФИФА расмий сайти хабарига кўра Самвел Бабаев шогирдлари эронлик чарм тўп усталарига қарши кечадиган учрашув олдидан 6 июнда Тошкентда Таиланд терма жамоасига қарши нозорат-ўртоқлик баҳсида майдонга тушади.

Эслатиб ўтамиз, Таиланд терма жамоаси ҳам жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг учинчи босқич гуруҳ баҳсларида иштирок этмоқда. Саралаш турнирининг "В" гуруҳидаги иштирокини давом эттираётган Таиланд терма жамоаси ўтказилган 5 та ўйиндан сўнг 1 очко жамғарган ҳолос.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 28 февраль куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайдиган. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 14-

16 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 28 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди, ифлосланган даражаси паст бўлади.

